



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “ 24 ” fevral

Қ-110 -son

Termiz sh.

**Ер майдонини захирага
қайтариш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5, 36 ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига асосан, “Surkhan Global Trade” МЧЖнинг 2021 йил 02 февралдаги SGT/017-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. “Surkhan Global Trade” МЧЖга “Эркин иқтисодий зона”си ташкил этиш учун, Термиз тумани “Учқизил” маҳалласи ҳудудидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 2, 180қ ва 181-дала контурларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилган жами 3000,0 гектар яйлов ер майдони Термиз тумани ҳокимлиги захира ер фондига қайтариб олинсин.

2. Вилоят ҳокимининг 2018 йил 13 июндаги Қ-460-сон ва 2018 йил 09 августдаги Қ-659-сон қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов) ер майдони қайтариб олиниши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов